



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 3 март, № 43 (3842)

Жума

## ЭНГ САРАЛАРИ САРАЛАНМОҚДА



«Ташаббус-2006»

Мамлакатимиз бозор иқтисодиёти шароитига ўтаётган илк кезларда Юртбошимиз куйидаги сўзларни таъкидлаган эди: «Иқтисодиётни эркинлаштиришни чуқурлаштирмасдан, хусусий мулк улушини оширмасдан, тадбиркорлик учун эркин шароит яратмасдан туриб, юқори иқтисодий ўсишга эришиш мумкин эмас». Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ҳукуватимиз кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини кўрмоқда. Айниқса, уларни рағбатлантириш, қўлга киритилган ютуқлар салмоғини баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган анъанавий «Ташаббус» қўрик-танлови алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ун йилдан бери ташкил этилаётган ушбу тадбир туфайли минглаб ҳамюртларимизнинг ўзига хос иқтидори, салоҳияти юзага чиқаётир.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ

Ўзбекистон Республикаси Бадий академияси марказий кўргазмалар залида «Ташаббус-2006»нинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда туманлардаги танловларда муваффақият қозongan 22 иштирокчи голиблик учун ўзаро беллашди.

Тадбирда пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркор ҳамда хунармандлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўргазма сифатида ҳайъат аъзолари ҳукмига ҳавола этишди.

Танлов якунида республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритганлар номи эълон қилинди. Унга кўра, Ҳамза туманидаги «Ист Колор» масъулия-

ти чекланган жамияти раҳбари Геннадий Газиёв «Энг яхши тадбиркор», Юнусобод туманилик Камолитдин Раҳимов эса «Энг яхши хунарманд» деб топилди. Қўшимча йўналишлар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Шавкат ОРИҚОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### ЖИЗЗАХ

Қўрик-танловнинг навбатдаги босқичи Юнус Ражабий номидаги вилоят мусикали драма театри биносиде бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман беллашуварларида голиб чиққан жами 38 жамоа

(Давоми 2-бетда).



Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

### Фармон ва ижро

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, аҳоли бандлиги — иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатувчи омиллардан. Шу маънода, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш орқали янги иш жойларини ташкил этиш бўйича амалга оширилатган ишлар диққатга сазовордир.

## ИШЛИНИНГ ИШИ БИТАР

Бу борада, айниқса, Президентимизнинг жорий йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони кенг имкониятлар эшигини очиб берди.

Маълумки, хонадонда меҳнат қилиш, бунёдкорлик халқимизнинг азалий удумларидан ҳисобланади. Айтилик, пойтахтимиздаги бир қанча маҳаллаларнинг атамаси ҳам бунга гувоҳ: «Чегачи», «Дегрезлик», «Пичоқчи», «Кўнчилар», «Ўқчи»...

Моҳир зардўзлар, қўли гул каштачилару гиламдўзларимиз қўллари билан яратилган санъат даражасидаги буюмлар эса ҳозирда ҳам дунё музейларини бемзаб тургани, жумладан, матбуот хабарларига қараганда, бундан бир аср муқаддам юртимизда тўқилган ноёб гилам Лондондаги «Кристи-с» аукцион савдо уйида салкам юз минг фунт-стерлингга баҳолангани касаначиликнинг салоҳиятидан дарак беради.

Фармондан кўзланган мақсад эса, ана шу отаболаримиз ўдумини тиклаш, уни янада ривожлантириш, хунармандлар сулоласини давом эттириш, шу тарихи аҳоли фаровонлигини яхшилашдир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур ҳужжат билан танишган юртдошларимиз буни чуқур ҳис этиб, «Каранг, уйдаги ишимизга ҳам давлат гамхўрлик кўрсатса-я» деган фикр-мулоҳазаларни билдиришмоқда. Бу Фармондан миннатдор бўлган юрт-

дошларимиздан бири — Тошкент туманида яшовчи, телекоммуникация соҳаси бўйича мухтаassis, қатор корхоналар билан касаначиликни йўлга қўйган Незматилла Собировдир.

— Эътибор берган бўлсангиз, Фармонда «кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш» деган жумла бор, — дейди у. — «Кооперация» сўзи кўплашиб маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш, сотиб олиш, хизматлар кўрсатиш мақсадида бирлашишни англатади. Зотан, халқимиз табиятида жамоа бўлиб ишлаш иштиёқи кучли. Бунга ўзбекона хашарларимиз мисол бўла олади.

Халқимизда «Ишсининг куни ўтар, ишлининг иши битар» деган мақол ҳам бор. Бу гап худди уйда ишловчиларга айтилгандай. Дарвоқе, катталар хонадонда фойдаланган меҳнат билан шуғулланишса, шу даргоҳда ўсаётган фарзандлар қанчалик тарбия кўришини, меҳнатсеварлик фазилатини ўзига юқтиришини бирор рақам ёки кўрсаткичда ўлчаб бўладими?

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунига бағишланган мажлисида ҳам аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шарти бўлган бандлик масаласини ҳал этиш устувор вазифа этиб белгиланди. Уларни бажаришда эса ҳеч ким, авваламбор, маҳаллий ҳокимият раҳбарлари ва ходимлари четда турмаслиги керак. Шундагина олдимизга қўйилган мақсадимизга эришамиз.

Сандолим ҲАЙДОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунида фуқароларни қабул қилиш улар учун қулай вақтда ўтказилиши белгилаб қўйилган.

### Қабул рисоладагидек ўтади

Демак, фуқаро ўз дарду ташвишларини тегишли раҳбарга ё идорага билдирмоғи учун хафтала, ойлаб навбат кутмаслиги, қабулга киранан деб оворая сарсон бўлмаслиги керак.

Ана шундан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти ҳокими фуқароларни ойига бир марта ҳокимлик идорасида қабул қилишдек эски тажрибага тузатиш киритди. Ҳоким вақти-вақти билан туманларга бориб, ўша жойнинг ўзида бу ишни амалга оширадиган бўлди.

Қабул, табиийки, рисоладагидек ўтказилади, яъни бу жараёнга муаммолар ечимини таъминлашга масъул маҳкамаларнинг вакиллари жалб этилади.

Фуқарони қабул қилиш — ишнинг бир томони. Ҳар битта мурожаатни таҳлил этиш, шу бўйича белгиланган тадбирлар ижросини назорат қилиб бориш масъул идоралар олдига муҳим вазифа қилиб қўйилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

## ТАЖРИБА КЕНГ ЁЙИЛАДИ

Каттакўрғон туманида фаолият юритаётган «Қумуш тола» хусусий корхонаси касаначилар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан уюштирилган семинарда бу хусусда алоҳида сўз юритилди.

Туманлардаги аксарият аёлларимиз рўзгор ишлари билан банд, — деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Г.Худойбердиева. — Шу босис улар учун уйларида буюртма асосида меҳнат қилиш хар томонлама қулай

ва манфаатли. Ўтган йили туманлар ва вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан Каттакўрғон туманида 100 ўринли ва Иштихонда 60 ўринли пиллани қайта ишлайдиган хусусий корхоналар ташкил этилди. Қувонарлиси, улар касаначилар билан яқин ҳамкорликда фаолият кўрсатяпти. Тадбирда мазкур тажрибани бошқа туманларда ҳам жорий этиш масаласи ва бу борада бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокама қилинди.

Ақбар ҚАРШИЕВ,  
ЎзА мухбири.

## Семинар-тренинг

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасида «Мамлакатимиз солиқ сийбсатининг асосий йўналишлари ва солиқ идоралари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишни ташкил этиш йўллари» мавзусида уч кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Анжумани кўмита раиси Б. Парпиев кириш сўзи билан очди. Қатнашчилар Комилжон Шамсутдиновнинг «Омма билан алоқада вазирлик ва идоралар Матбуот хизматларининг роли», республика «Маънавият ва маърифат» марказининг раҳбари Қуддус Аъзамовнинг «Солиқ тўлаш маданиятини оширишда тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларининг шакли», Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Таҳлилнома» ахборот

дастурининг бош муҳаррири Абдурауф Қоржовнинг «Солиқ мавзусида телевидениеда намойиш этиладиган лавҳа ва репортажларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари», «Халқ сўзи» газетаси иқтисодиёт бўлимининг муҳаррири Иқром Ўтбосаровнинг «Газета ва журналларда эълон қилинган солиқ ҳаётга оид материалларнинг таҳлили» мавзусидаги маърузаларини тингладилар, ўз саволларига батафсил жавоб олдилар.

Семинар-тренинг доирасида викторина ҳам уюштирилди. Унда жойларда тайёрланган видеолар ва видеороликлар намойиш қилинди, солиқ идоралари фаолияти ҳақида ёзилган мақолалар таҳлил этилди. Голибларга қимматбахо совғалар топширилди.

Анжуманинг охири кунда эса унинг ишторқчилари Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясида амалий машғулот ўтказдилар.

Ўз мухбиримиз.

### Кўклам файзи

## ЮРТИМИЗ БОҒЛАРГА БУРКАНСИН!

Бу йил баҳорни жуда-жуда соғиндик. Айниқса, январнинг изғиринли кунларида кўкламнинг қадри жуда билинди.

Мана, кўёш чарақлаб, кунлар илий бошлади. Одамларнинг, баҳри-дили очилиб, кайфиятлари кўтарилиб, баҳорги ташвишларга шўнғиб кетишди. Айниқса, деҳқонни яхши ният, катта умид, қулай имкониятдан унумли фойдаланиш истаги чулғаб олган.



У ердаги намликдан, тоғдаги қор захирасидан хурсанд — бу йил сув мўл бўлишидан умидвор. Далалар эса ҳамиртурушдек кўпчиб турибди. Агар баҳор шу кириб келишида чекимаса, ерга, бир кун бўлса ҳам, эртароқ уруғ ташлаш мумкин бўлади.

Ҳозир баҳорги кўчат ўтказишнинг айнаи вақти. Бу ишга бутун мамлакатимиз бўйлаб киришилди. Яқинда Сирдарё вилоятида бўлганимизда, худудни яшилликка буркаш учун астойдил киришилганига гувоҳ бўлдик. Деҳқончилик қилинадиган хар бир дала атрофига, йўл ва ариқ бўйларига, кўчаю хиёбонларга юз минглаб тул қайрағоч, тол, тут, терак ҳамда бошқа дарахт кўчатлари экиляпти. Алоҳида бўш жойларда эса юзлаб гектар

терахзорлар, ихотазорлар барпо этиляпти.

Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиги Эшонкул Одиловнинг бизга берган маълумотига қараганда, бу йил вилоятда жами тўрт миллион тул манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилади. 200 гектар ерда тутзор ва 180 гектар майдонда боғлар барпо қилинади. 60 гектар ердаги ўрмонзорлар эса янгиланади.

Бу ерда кўчат етиштиришга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Ўтган йили бир нечта янги кўчатчилик хўжаликлари ташкил этилган эди. Бу йил ана шу хўжаликларда етиштирилган ниҳоллар вилоятнинг эҳтиёжини тўлиқ таъминляпти.

Шунингдек, вилоят ўрмон хўжаликлариде жорий йилда наъматак,



қизилмия ва бошқа до-ривор ўсимликлар, сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштириш ҳам кўзда тутилган. Асаларичилик ва чорвачиликни ривожлантиришга эса алоҳида эътибор қаратилади.

Биз хар йили кузда ва баҳорда кўчат экишдаги ибратли ишларимиз билан фахрланамиз. Деярли хар йили ўтказилган миллионлаб тул манзарали ҳамда мевали дарахт ниҳоллари тилга олинади. Аммо аслида гап экилганида эмас, парвариш қилиниб, кўккартириб олинганида.

(Давоми 2-бетда).


### «Халқ сўзи» назоратида

## Йўллар равон бўлади

Газетамизнинг 2005 йилдаги 231-сониде «Унутилган қишлоқ» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган бўлиб, унда Форш тумани марказидан Мажурум қишлоғига борувчи йўлнинг таъмирталаб бўлиб қолганлиги шу худуд аҳолисидаги қийинчиликлар туғдираётгани баён этилган эди.

Жиззах вилоти ҳокимининг ўринбосари К.ЖўРА-ЕВНИНГ маълум қилишича, ҳақиқатан ҳам, мақолада қайд этилган Форш тумани марказидан Мажурум қишлоғига борувчи 50 километр масофадаги йўлнинг 44 километри туман йўл корхонаси қарамоғида, йўлнинг Мажурум қишлоғигача қирувчи қолган олти километри ички хўжалик йўли бўлиб, у кейинги йилларда хўжалик ҳисобидан таъмирланмаган.

2005 йилда мазкур йўлнинг туман йўл корхонаси тасарруфидеги қисмида таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Бу ишлар 2006 йил режасига ҳам киритилган. Ҳозирги кунда йўлдаги уйдим-чуқурлар ва бошқа ҳамчиликлар бартараф этилиб, транспорт воситалари ҳаракати таъминланмоқда.



ГАЗЕТХОН

сўз сўрайди

Ифтихор

Ўзгаришлардан дил қубонади

Мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни кузата туриб, истиқлолга шукроналар айтгим келади. Биргина бизнинг Тўрткўл шаҳрида ҳам кўприклар, катта-катта иншоотлар бунёд этилаётгани аини муддао бўлаётган.

Қишлоқлар оралаб «Мискин-Учқудук» йўналиши бўйича ишга туширилган темир йўллар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Чекка қишлоқларда амалга оширилаётган ислохотлар, ёшлар учун касб-хўнара коллежлари ва турли билим масканларининг замонавий тус олиши биз, ота-оналарни қувонтирмақда. Тараққиётимизга кўз тегмасин.

Ўрозбой СЕИТМУРАТОВ.  
Тўрткўл шаҳри.

Тақлиф

Оддий, леккин ҳаётин

Кўпчилик саломатлик ҳақида гап кетганда, «Соғлиғимни ҳеч ким ўзимчаллик билмайди ва ўзимдай асрал олмайди», дейишди. Бугун халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш давлат сийбати даражасида ҳал этилаётгани кундек равшан.

Шундай экан, бу борадаги кўрсатма ва билимларни болаларимизга мактаб давридаёқ ўргатишимиз лозим, деб ўйлайман.

Магулотларда уларга шифобахш гиёҳлар, фойдали мевалар хусусида, соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиенага риоя қилиш сингари бир караганда жуда оддий бўлиб кўринган тиббий маълумотларни бериш, унга амал қилишни ўргатиш керак. Буларни ўқув дастурига киритсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Тошқул САПАРОВ.  
Кониҳек тумани.



Меҳр кўзда

Соғлом турмуш — келажак пойдевори

Келажакимиз равнақи, миллатимиз ривож жисмонан соғлом, ақлан етук, баркамол авлодларга боғлиқ. Табиийки, бу борада оналар саломатлиги муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент тиббиёт академияси шифохонаси гинекология бўлими олий тоифали шифокор Муяссар Назирова ўзининг бой тажрибаси, аниқ ташхис ва муолажа қўйиши билан кўплаб оналарнинг маслаҳаттуйига айланган.

— Боланинг соғлиги ва парвариши ҳақида фарзанд дунёга келмасданқайғуриш лозим, — дейди шифокор. — Албатта, бемор шифокорлар кўригидан ўз вақтида ўтиб туриши мақсадга мувофиқ.

Йигирма ўринга мўлжалланган ушбу бўлим замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Шу билан бирга, шифокорлар «НОРЕ» халқаро ташкилоти кўмагида профилактика ўқитиш курсларида маълумотларини оширишмоқда.

СУРАТДА: Муяссар Назирова ҳамкасблари билан суҳбатлашмоқда.

Темур ҚУРБОНОВЕВ олган сурат.

«Экосан» ҳашари

Пойтахт вилоятининг Чиноз туманида «Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан ҳашар уюштирилди. «Экологик саломатлик кунлари»нинг биринчи босқичи доирасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

«Экосан» томонидан юборилган мурувват автопоезд шу кун Чинозга етиб келди. Ундаги мурувват юкларни ўз эгалари — маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар, шунингдек, туман шифохонаси ва махсус мактаб-интернатга топширилди. Мурувват юклари ичида кийим-кечақлар, озиқ-овқат маҳсулотлари билан бир қаторда санитария-гигиена воситалари, дори-дармонлар бор.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Экосан» халқаро ташкилоти республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи, санитария-гигиеник ва экологик билимини тарғиб этувчи «Энг яхши поликлиника», «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти», «Энг ибратли участка врач» сингари бир қатор номинациялар бўйича танловлар эълон қилди.

Танлов натижалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги арафасида эълон қилинади.

М. ХОЛМАТОВА.

ЮРТИМИЗ БОҒЛАРГА БУРКАНСИН!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мунтазам қаровни ташкил этилганидир. Агар экилган кўчатнинг ярми сақланиб қолганида ҳам, юртимиз боғ-роғларга бурканиб кетган бўларди. Бироқ, афсус билан айтиш мумкинки, ҳар йили боғларимиз эскириб, ҳосилдорлиги камайиб бораёпти.

Масалан, биргина Сирдарё вилоятини олиб кўрайлик. Мирзачўлни комплекс ўзлаштириш йилларидан бошлаб яқин вақтларгача вилоятда ҳар йили миллион-миллион туп дархат кўчатлари ўтказиб келинмоқда. Шунга қара-

май, ҳозир боғлар, ўрмонлар, бошқа дархатзорлар ҳажми жиҳатидан вилоят мамлакатимизда охириги ўринлардан бирида туради. Вилоятнинг умумий ҳудудидаги нисбатан олинганда, бу кўрсаткич жуда кам. Ҳўш, бу ниманинг оқибати? Албатта, қаровсизликнинг. «Кўчат эким — кутулдим» қабилида иш тутилса, яшиллик ўрни яна хунук манзаралар эгаллайтиришининг исботи эмасми бу?

Бир пайтлар Мирзачўлнинг нафақат тиллар қовунлари, балки шириндан-шакар сархил мевалари ҳам шухрат қозongan эди. Ана шу

шухратни тиклаш бугунги кунда ҳар бир мизачўлликнинг виждон бурчи, шон-шараф иши бўлиши керак.

Умуман, бу борадаги ишлар бошқа жойларда ҳам кўрилганга эмас. Экилган кўчатлар ўз ҳолига ташлаб қўйилмапти. Қишлоқ жойларда кўпчилик чорва моллари ёш ниҳолларга зарар етказилмапти. Натижада йўллар ва ариқлар бўйларига экилган кўчатлар тезда қуриб қоляпти. Чорва моллари хатто янги ташкил этилган боғ, тутзор ва теракзорларни ҳам пайхон қиляпти. Ҳисоботларда эса ҳаммаси жойида. Бу



билан кимни алдаб, кимни чалғитаямиз?

Кўчат экиб, боғ яратишда баҳорнинг ҳар дақиқаси ганимат эканлигини унутмаслик лозим. Қишлоқда яшай-мизми ёки шаҳарда, бундан қатъи назар, ҳеч бир инсон, ҳеч бир корхона, муассаса ва ташкилот кўчат экишдан четда қолмаслиги керак.

Яна бир гап. Шаҳар-

ларимизнинг бугунги қиёфасини гулларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шундай экан, гул экишининг ҳам вақти келди. Кўчаю хиёбонларимиз кўригига-кўрк қўшиб турган гулзорлар одамларда яхши кайфият, эзгу мақсадларни уйғотади. Зеро, бу гуллар баҳорий гўзаллик ва фаровонлик тимсоли бўлиб қолсин.

Иброҳим НОРМАТОВ.



Қорақалпоғистон Республикаси географик жиҳатдан мамлакатимизнинг шимолида жойлашган. Шу боис бу ерга баҳор Сурхондарёга нисбатан биров кечикиб келади. Бироқ декону боғбонлар куннинг исишини пойлаб ўтирмасдан, дала, боғларга чиқиб, баҳорги юмушларни бошлаб юборишди.

Тўрткўл туманидаги «Сапар ханқали» фермер хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Ушбу хўжалик, гарчи ўз фаолиятини 2005 йилда бошлаган бўлса-да, сифатли қаров туфайли мавжуд боғдан 20 тоннадан зиёд олма ҳосили олишди. Жорий йилда фермер хўжалиги боғбонлари 35 тонна ҳосил олиш тараддудини кўриб, ҳозирда дархатларни буташ, уларга шакл бериш каби юмушларни оби-тобида олиб боришмоқда.

СУРАТДА: фермер хўжалиги раҳбари Жаббор Сапаров дархатларга шакл бермоқда.

Бердиний АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЭНГ САРАЛАРИ САРАЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

ҳамда бир нечта номинациялар бўйича голибликка даъвогарлар иштирок этди.

«Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича голиблик Фориш туманидаги «FOR-TEX» хусусий корхонаси раҳбари Бозоргул Тўраевага, «Энг яхши фермер» бўйича биринчилик Зарбдор туманидаги «Қодиршоҳ» фермер хўжалиги етакчиси Гулчехра Тўраевага, «Энг яхши хунарманд» йўналиши бўйича голиблик эса Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Садоқат Йўлдошевга насиб этди.

Шунингдек, кўрик-танловда «Энг ёш тадбиркор», «Энг фаол журналист», «Энг самарали лойиҳа», «Энг фаол касаначи» каби 15 та номинация бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Бахриддин САТТОРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

НАМАНГАН

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари салоҳиятини намойиш этишга хизмат қилувчи «Ташаббус-2006» беллашувлари вилоятда юксак талабчанлик билан ўтказилди. Тадбирнинг шаҳар ва туман босқичларида иштирок этган 200 дан ортик талабгор орасидан 36 голиб республика босқичига йўлангани кўлга киритиш мақсадида ўзаро беллашди. Ҳакамлар ҳайъати «Энг яхши тадбиркор» номинацияси голиблигига Уйчи туманидаги «Аллоҳобод» хусусий кичик корхонаси раҳбари Тоҳиржон Қосимовни муносиб деб топди.

Кўрик-танлов низомида кўзда тутилган «Энг яхши фермер» йўналиши бўйича устунлик Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» қишлоқ хўжалик корхонаси етакчиси Ҳамитхон Мўйдинхўжаевга, «Энг яхши хунарманд» номинацияси голиблигига эса чустлик мил-

лий пичоқлар устаси Собиржон Мамажоновга муносиб кўрилди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

СУРХОНДАРЁ

Нуфузли тадбирнинг вилоят босқичи ишбилармонликнинг чинакам намойишига айланди. Ҳайъат аъзолари томонидан пойтахтда бўлиб ўтадиган яқунловчи босқич қатнашчилари номи эълон қилинди. Унга кўра, Термиз туманидаги «Сурхон воҳаси» фермер хўжалиги етакчиси Рисолат Маматқулова «Энг яхши фермер», Денов шаҳридаги «Афросиёб» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Амри Нарзуллаев «Энг яхши тадбиркор», бойсулик Улугбаҳт Суёнова эса «Энг яхши хунарманд» дея шарафландилар.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқдош



МЕҲНАТ БИЛАН ЕР КЎКАРАР

ювиб, оқ тараб вояга етказишди. Ота 44 йил шифолик қилибди, момо ҳам рўзгор, ҳам болалардан ортиб далада ишлабди. 1994 йили ота нафақага чиқиб, фарзандларини тўлабди. «Замон билан ҳамнафас бўлиш керак, ота-боболаримиз

дан 20 тонна ҳосил олишди. Даромадга яраша буромад, дейдилар. Ҳозир 3 та трактор ва бошқа механизмлар фермер хўжалиги ихтиёрида. Ота оилада фермерлик ҳаракати йўлга қўйилгач, меҳнат орқасидан рўшюлик кўришганини, орзу-

хўжалик ишларига кўмаклашишди. Болаларни назоратсиз қолдирмайман, — дейди ота. Суҳбатимиз шу ерга етганда, ёнимизга 4 нафар йигитча келди. Мактабдан қайтгач, далага — оталарининг ёнига чопишибди.

да, самимий гаплари барчани қувонтирди. — Режалардан гапиринг, — дейман Одилбекка қараб. — Сиз билан гаплашолмадик.

Ишларимиз ҳақида отам гапириб бердилар, — дейди Одилбек. — Катта ҳаётини тажрибалари бор. Режаларга келсак, чорва сонини кўпайтирмақчимиз. Ширкатнинг ташландиқ дала шийпонини 3 миллион сўмга сотиб олдик. Унинг ўрнида янги ферма қурмоқчимиз. Ёнида сутни қайта ишлайдиган цех ҳам ташкил этамиз. Ўзимизнинг маҳсулотни ўзимиз қайта ишлаб, тайёр маҳсулот олмақчимиз. Яна далаларимиз атрофида мевали дов-дархатларни кўпайтирамиз. Шунда мевамиз ҳам кўп бўлади. Қарабсизки, бизда қишлоқ хўжалигининг барча маҳсулотлари етиштирилади. Меҳнат қилсак, ҳаммасига эришамиз.

Фермер хўжалигидан қайтаётиб, ақл билан, тадбиркорлик билан иш тутиб, бой-бадавлат, обрў-эътибор қозониб, орзу-умидларини рўёбга чиқараётган юртдошларимиз кўпайиб бораётганидан қувондим. Ана шундай эл қорига яраётган, дастурхонимизни тўкин қилаётган, ҳалол меҳнати билан ном қозонаётган, баракка топаётган фермерлар бор бўлсин, деймиз.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Дала шийпонининг янги қурилгани шундоқ билиниб турибди. Атрофдаги бир гектар майдонда боғ барпо этилган. Хоразмликларнинг одадига кўра, ховуз қазибди. Қисқаси, бу жой — кун иссиғида яхши хордиқ чиқарадиган маскан. Хоналари шинам жиҳозланган, барча шароит муҳайё.

Сафо ота бизни қувониб кутди олди. Етмиш ёшлардан ошган отахоннинг қадам ташлаши телик. Биздан хол-аҳвол сўрагач, ўғлидан баҳорги ишлар қандай бораётганини сўрашди. Қанча маҳаллий ўғит гамлашгани, биржадан минерал ўғит сотиб олиш кераклиги ҳақида гапирди. Отахон билан бир пилла чой устида суҳбатимиз қизди.

Ўғилжон момо билан 13 нафар фарзанди оқ

деҳдон, чорвадор ўтишгани. Бизнинг ҳам қонимизда бор булар, қўлимиздан келади, деб фермерликка ариза ёзишди. Оила жамғармаси ҳисобидан 50 боши кўй, 11 бош қорамол сотиб олиб, иш бошлашди. Уларга дастлаб 2 гектар экин майдони ажратилибди. Меҳнатлари орқасидан фаолиятларини кенгайтириб бораверишди. Ҳозирга келиб, кўй-эчкилар сони 410 тага, қорамоллар сони 42 тага, парранда 160 тага, асалари 5 кутидан 35 кутига, экин майдони 47 гектарга етибди. Утган йили пахта ҳосилдорлигини гектарига 60 центнерга, бугдой ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишди. Хўжаликда яна 1,5 тонна гўшт, 15 тонна сут, 4 минг дона тухум, 63 тонна сабзавот етиштирилибди. Шолит-

умидлари рўёбга чиқаётганини гапириб берди. Фермерликдан келган даромад хисобига 3 та уй қуришди, енгил машиналик ҳам бўлишди. Фермер хўжалиги қурилиш-ободонлаштириш ишларига, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик ҳам қилиб келаётган экан. Яқинда коммунал тўловларни тўлашга қийналаётган, кам таъминланган оилаларга 1 миллион сўм ёрдам кўрсатилибди. Энди 2 км.лик қишлоқ йўлини асфальт қилиш ҳаракати йўлга туширибди. Аини кунда фермер хўжалигида меҳнат қилаётган 14 кишининг ҳам дастурхони тўкин.

— Худого шукур, болаларим меҳнатқаш, 31 нафар неварам бор. Ўқишларини, ишини сураб-суриштириб тураман. Улар ўқишдан бўш вақтларида

Ободонлаштириш ОЙЛИГИ

Андижон шаҳрида уй-жой мулкдорлари ширкатлари ташаббуси билан «Наврўз» байрами олдида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бошланди. Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар аини кунларда йўлчалар, болалар майдончаларини тозалаш, эпакча келтирмоқдалар.

Шаҳар ҳокимлиги эса уй-жой мулкдорлари ширкатларига 15 млн. сўмлик пайвандлаш, сантехника ва пардозлаш асбоб-ускуналарни ҳамда қурилиш материалларини ҳада этди.

Мутасаддиларнинг билдиришича, ҳозиргача 30 та турар жой биносининг ертўла қисми тозаланиб, электр ёриткичлар билан таъминланди. Тез орада 15-20 минг туп атрофида мевали, манзарали дархат кўчатлари ва гул ниҳоллари ҳам ўтқазилди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

Илм ва рўзгор — ёнма-ён

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетидида «Хотин-кизларнинг таълим-тарбия ва фантехника тараққиётидаги ўрни» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Тадбирда олий таълим даргоҳларидаги талаба қизларнинг таълим-тарбияси ҳақида сўз борди. Жумладан, уларни фанга йўналтириш билан бирга оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Очик мулоқот тарзида ташкил этилган мазкур тадбирда ўқитувчилар, тарбиячилар ва талаба қизлар юзма-юз суҳбатлашиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, анжуманда иштирок этган республика «Оила» илмий-амалий маркази вакиллари, ота-оналарнинг тақлиф-мулоҳазаларини йиғилганлар эътибор билан тингладилар.

А. САМАДОВ.



Карнавалдан... тобутга

Боливияда тўрт кун давом этган карнавал давомида 57 киши ҳалок бўлган, 200 нафар одам жароҳатланган. Бу ҳақда мамлакат Ички ишлар вазирлиги маълум қилди.

РИА «Новости»нинг хабарига таъкидланишича, ўтган йилги карнавалда 16 киши вафот этганди.

Аксиламерика намоишлари

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Хиндистонга уч кушлик расмий ташрифи бошланиши ҳамома мамлакат пойтахти Дехлида кўп миң кишилик норозилик намоишлари авж олиб кетди.

Жорж Буш сафар давомида мамлакат ҳукумати билан атом энергияси соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро савдо масалаларини муҳокама қилишни режалаштирган.



Вулқоншунослардан тузилган халқаро экспедиция Индонезия оролларида кўмилиб кетган цивилизация ўчоқларидан бирини топишди.

Тарих тилга кўрди

Олимларнинг ишонч билдиришларича, инсоният тарихидаги энг катта вулқонлардан бирининг отилиб чиқиши бутун бир цивилизацияни йўқ қилиб юборган.



Театр сафарга чиқди

Ҳамид Олимжон номли Самарқанд драма ва музыка театри анъанавий ижодий сафарини Иштихондан бошлади.

Дастлабки учрашувлар қурилиш ва тиббиёт коллежларида уюштирилди. Томошаларга яқин атрофдаги маҳалла ахли ҳам тақлиф этилди.


Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан тузилган дастуриимизда сахна асарларидан парчалар, ичкакузди хангома, куй ва қўшиқлар ўрин олган.

Икки йиллик танаффусдан сўнг Жанубий ва Шимолий Корея мудофаа вазирлиги вакиллари ўртасида яна музокаралик тикланди.

Давомли музокаралик

Томонлар икки давлат чегарасида ҳарбий тарангликни юмшатиш ва ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишда.

Делегация катнашчилари биринчи навбатда Сарик денгиздаги баҳсли ҳудуд юзасидан бир келишувга эришишлари лозим.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Вазият

Барқарорлашмоқда

Филиппин хавфсизлик хизмати ходимлари мамлакатда барқарорликни таъминлашга эришдилар.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада ҳарбийлар томонидан мамлакат президенти Глорий Арройо ҳукуматини ағдариб ташлашга тайёргарлик қўрилатгани тўғрисидаги махфий маълумот ошқор этилгандан сўнг Филиппинда фавқулодда ҳолат эълон қилинган.


Тўнтаришга уриниш

Беларусь Давлат хавфсизлик қўмитаси раҳбари Степан Сухоренконинг таъкидлашича, махсус хизмат ходимлари мамлакатда давлат тўнтаришини амалга оширишни режалаштирган.

Қуроолар қирғини

Россиянинг Камбарка шахридаги завод омборхонасида сақланаётган кимёвий модда — люизитни йўқотишга рухсат берилди.

қариш, тарқатиш ва турли тадқиқотлар ўтказиш таъкидланади. Россия мазкур конвенциядан келиб чиқиб, 2007 йилгача собиқ Иттифок давридан қолган кимёвий қурооллар захирасининг 20 фоизини йўқ қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олган.



Сунъий йўлдош яратилади

Венесуэлалик олимлар Хитойга фазовий дастурларни ўрганиш учун ташриф буюрдилар. Мамлакат ҳукумати фазога Ернинг сунъий йўлдошини учиртиришни режалаштирди.

2006 йил

Ҳомийлар ва шифокорлар йили

Панжи Жонқобилов 90 ёшли онаси Шаҳар момони Ҳаж зиёратига олиб кетмоқчи бўлди. Лекин момо "Мендан дуо, элдан раҳмат олай десанг, эски мактабни янгидан қур, болам", — деди.

МАКТАБ ҚУРГАН МОМОМ БОР

Аргамчсойликлар бундан икки йил бурун «Мустақиллик» маҳалласида бир эски мактабни бузиб, ҳаҳар йўли билан янги мактаб қуришган эди.

Аргамчсойлик Шаҳар момонинг ҳам юрагининг бир четиди бу дард турар ва унга тинчлик бермасди.

Шаҳар момо Маҳмарайим ҳам Жонқобилов билан турмуш қурган, беш ўғил, бир қизни воёга етказишди.

Исоқул ака бундан 4 йил бурун Ҳаж сафарига отланди. Унинг нияти улуг эди, ушунда. Онаси Шаҳар момони ҳам ўзи билан бирга зиёратга олиб кетмоқчи бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Панжи ўтган йили пахта ҳосилидан 2 миллион сўм, ғалладан 1 миллион сўм фой-

да қилди. Қўй-эчкисининг сонини бир ўзи, бир худо биледи. Онани ҳажга олиб кетиш навбати Панжиги етди.

— Эна, жонингиз соғ, қуватингиз бор. Худога шукр, мол-дунёимиз етарли. Келинг, сизни бир ҳажга элтиб, зиёрат қилдирай, — деди у онасига юзланиб.

— Раҳмат, ўғлим, ёшим 90да. Энди мен узок сафарга ярамайман. Кел, яхши, савобини узокдан изламай, яқиндан оёғимиз остидан ахтарайлик. Кишлоқдаги мактаб биносини қўриб, йилгаим келайди.

Панжи онасини ҳажга олиб кетишга кўп ва ҳўб уринди. Аммо Шаҳар момо ўз аҳдида туриб олди.

Хуллас, бундан 40 йил бурун қурилган 63-мактабнинг филиали бўлиш кишлоқдаги мактаб бузиладиган бўлди.

Унинг ниати улуг эди, ушунда. Онаси Шаҳар момони ҳам ўзи билан бирга зиёратга олиб кетмоқчи бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Панжи ўтган йили пахта ҳосилидан 2 миллион сўм, ғалладан 1 миллион сўм фой-

лар, ота-оналар ҳам ҳаҳарга келишди. Албатта, бу орада Панжини бу ишдан қайтаришга уринганлар ҳам топилди.

— Пулинг бор, мол-дунёинг етарли. "Жигули"ни пириллатиб юргандан кўра, "Ласетти" минсанг яхши эмасми?

— Йўқ, мен онаминг айтганидан чиқолмайман, — деди у.

— Йўқ, мен онаминг айтганидан чиқолмайман, — деди у.

— Орқангиздаги замбилни бир четга қўйиб, бемалолроқ таваф этсангиз бўлмайми? — деб сўрабдилар меҳмондан.

— Орқангиздаги замбил юк эмас, оғирлигини ҳам сезмайман. У онам (айрим ривоятларда отам дейилган) дид. Етти галдан бери Шом томондан кўтариб келиб, ҳаж қилдириб кетаяман, — деди.

— Шунда Ҳасан Басрий ҳазратларни йилгаим келайди, — деди.

— Эй, азиз биродар! Умрингиз етиб, қияматгача шундай қилсангиз ҳам, отананинг бир маротаба: "Сендан розиман, болам!" деган розилигига тенг бўлолмайди.

Дарҳақиқат, шундай. Оллоҳ ота-онанинг фарзанд учун қилган яхши дуоларини ҳам, бад дуоларини ҳам рад этмайди.

Панжи Жонқобилов тўғри хулоса чиқарган. Фарзандларимизнинг келажаги учун фақат давлат, раҳбарларимиз эмас, балки ҳаммамиз

масъулмиз. Дунёнинг бир четиди яшаётган болалар ҳам янги мактабда ўқишга ҳақлари бор.

— Пулинг бор, мол-дунёинг етарли. "Жигули"ни пириллатиб юргандан кўра, "Ласетти" минсанг яхши эмасми?

— Йўқ, мен онаминг айтганидан чиқолмайман, — деди у.

— Орқангиздаги замбилни бир четга қўйиб, бемалолроқ таваф этсангиз бўлмайми? — деб сўрабдилар меҳмондан.

— Орқангиздаги замбил юк эмас, оғирлигини ҳам сезмайман. У онам (айрим ривоятларда отам дейилган) дид. Етти галдан бери Шом томондан кўтариб келиб, ҳаж қилдириб кетаяман, — деди.

— Шунда Ҳасан Басрий ҳазратларни йилгаим келайди, — деди.

— Эй, азиз биродар! Умрингиз етиб, қияматгача шундай қилсангиз ҳам, отананинг бир маротаба: "Сендан розиман, болам!" деган розилигига тенг бўлолмайди.

Дарҳақиқат, шундай. Оллоҳ ота-онанинг фарзанд учун қилган яхши дуоларини ҳам, бад дуоларини ҳам рад этмайди.

Панжи Жонқобилов тўғри хулоса чиқарган. Фарзандларимизнинг келажаги учун фақат давлат, раҳбарларимиз эмас, балки ҳаммамиз

Олимжон УСАНОВ, Гелдмурод САИДАЛИКОВ, Узун тумани.

ХУДОЙҚУЛ ОТАНИНГ «ТЕЗ ЁРДАМИ»

Сирдарёлик Худойқул ота Раҳмонбердиевнинг шахсий маблағи ҳисобидан бунёд этилаётган маҳалла гузарининг биринчи қавати тўлиқ битди.

Мазкур гузар Боев туманининг "Дехқонобод" фермерлар уюшмаси ва унга чегарадош "Боев" разъезднинг 4 миң нафардан зиёд аҳолисига хизмат қўради.

билларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам аҳоли хизматиди.

Отахоннинг савобли ишлари бундан-да кўп. Икки йил муқаддам ўз сармоёси ҳисобидан қишлоқ врачлик пункти қурдиран эди.

Мазкур гузар Боев туманининг "Дехқонобод" фермерлар уюшмаси ва унга чегарадош "Боев" разъезднинг 4 миң нафардан зиёд аҳолисига хизмат қўради.

Билларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам аҳоли хизматиди.

Отахоннинг савобли ишлари бундан-да кўп. Икки йил муқаддам ўз сармоёси ҳисобидан қишлоқ врачлик пункти қурдиран эди.


Мазкур гузар Боев туманининг "Дехқонобод" фермерлар уюшмаси ва унга чегарадош "Боев" разъезднинг 4 миң нафардан зиёд аҳолисига хизмат қўради.

Билларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳам аҳоли хизматиди.

Отахоннинг савобли ишлари бундан-да кўп. Икки йил муқаддам ўз сармоёси ҳисобидан қишлоқ врачлик пункти қурдиран эди.

Мазкур гузар Боев туманининг "Дехқонобод" фермерлар уюшмаси ва унга чегарадош "Боев" разъезднинг 4 миң нафардан зиёд аҳолисига хизмат қўради.

Д.ЭСОНОВА, ЎЗА Муҳбири.



Мамлакатимиз иқтисодий қудратининг йил сайин ортиши, хусусан, иқтисодиётнинг реал тармоқларига молиявий ресурсларни йўналтиришда банк тизимининг ўзига хос ўрни бор.

Бир сўз билан айтганда, «Алп Жамол банк» бугунги кунда барча банк амалиётлари ва хизмат турларини бажаришга қодир молиявий муассасалардан ҳисобланади.

«Алп Жамол банк»:

ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ЧЕГАРА ЭМАС

Аслида ХОАТБ «Алп Жамол банк»и ривожланиш дастурига киритилган асосий стратегик мақсадлардан бири — банк фаолияти доирасини кенгайтириш ва тақлиф этилаётган банк хизматларини мижозларга қулай тарзда, юқори сифат билан етказиш.

жараёнлар ҳам амалга оширилади. Яъни, банк филиалида мавжуд амалиётларнинг деярли барчаси мижозларга тақлиф этилади.

бўйича амалиётлар ўтказиш юзасидан Россиянинг «Импекс банк»и билан шартномалар имзоланди.

барча ички сиёсатларини қайта қўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мижозлик, давр, рақобат тизим бўйича амалиётлар ҳам аҳолига тақлиф этилади.

натижалари эса матбуотда эълон қилинади. ХОАТБ «Алп Жамол банк»ида ўзгариш турувчи бозор шартшароити ҳамда банк жараёнларининг юқори даражада техниклаштирилгани унинг ходимлари профессионал тайёргарлиги сифати доимий назорат қилиб турилишини талаб қилади.

Негаки, эришилган натижалар чегара эмас. Фақат улар эртанги кунга ишон билан боқшига имкон бермоқда. Жамолнинг ақлу заковатини, илму тажрибасини республикамиз рағбатини таъминлаш, унинг ҳақон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш йўлига сафарбар этиш эса ҳам қарз, ҳам фарзанди.

Спорт

Танарфус олдидаги мағлубият

Ўзбекистон терма жамоаси 2007 йилда ўтадиган Осиё чемпионатининг навбатдаги саралаш учрашувини Дохада Қатар футболчилари билан ўтказди.

Ўзбекистон ва Қатар терма жамоалари шу кунгача ўзаро уч марта кун синашишган. Икки ўйинда теңлик ҳолати бўлган, бир учрашувда эса вакилларимиз галаба қозонган.

Ҳамкорлик мустақамланади

Осиё Олимпия кенгаши президенти Шайх Аҳмад ал-Фаҳад ас-Сабоҳ тақдирга буюрди, шу йилнинг 5 март куни ООК бош қароргоҳи жойлашган Кувайт давлатида Қураш халқаро ассоциацияси ва ООК раҳбарияти ўртасида расмий учрашув бўлиб ўтди.

ҚХА матбуот маркази хабарига айтилишича, учрашув жараёнида қурашчи Олимпия ўйинлари қаторига киритиш масаласи ҳамда ўзаро ҳамкорлик самаралари муҳокама қилинади.

Шахмат Олимпиадаси олдидан

Тошкентда аёллар ўртасида шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати олий лига ўйинлари якунланди.

Қандлик Ирода Ҳамроқулова эса учинчи ўридан жой олди. Энди учала шахматчи миз ақинда Италиянинг Турин шаҳрида ўтадиган Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Сўнги юриш

Лондонда чиқадиган «Уорлд» газетасида 1795 йили Филлидорнинг вафот этиши муносабати билан қуйидаги хабар босилди: «Утган дунёда кунинг машҳур шахматчи Филлидор ўзининг охири юришини қилди».

Биринчи лугат

Биринчи шахмат лугати 1825 йилда Барселонада босиб чиқарилди. Хуан ла Торре томонидан тузилган «Шахмат маълумотномаси ва атамалар изоҳи»да тахтанинг тўла ва айрим қисмларига тасвири келтирилган, аспнинг бир қатакчалдан иккинчисига сакраб ўтиши кўрсатилган.

Мажбурий чора


1823 йилдан чиқа бошлаган ва ҳозирга қадар нашр этилаётган «Ланшет» инглиз тиббиёт журнали ўз саҳифаларида шахмат бурчагини очган дунёдаги биринчи нашр ҳисобланади.

Анвар ИНОҚОВ, шахмат бўйича спорт усталлигига номзод.

Маънавиятимиз зарралари

Куни кеча дўстларимдан бири қўнғирок қилиб қолди: — Сиз ҳам адабиётни анча-мунча тушунадиган одамсиз. «Чашма» сўзининг луғавий маъноси — «булоқ». Шундайми? Эки бошқа, биз билмаган маъноси ҳам борми? — Яна бир маъноси «манба» дедим, масалан, «ижод чашмаси», яъни ижод манбаи маъносидан...

Қўшиқлар тўқисак, нўноқ бўлмасак...



Бундан бир неча йил муқаддам қадри шайримиз Тура Сулаймон «Халқ сўзи»да қўшиқларимиз саёзлашиб кетаётганлиги ҳақида алам ва ўқин тўла деярли бир саҳифа мақола билан чиққанидан сўнг, у билан Гулистонда учрашиб қолган эдик.

Ҳозирги баъзи «қўшиққа ихтисослашган» шоирлар, имоним қомилки, Навойнинг Н. ҳарфи билан ҳам, Бобурнинг Б. ҳарфи билан ҳам таниш эмаслар. Тўғри, гоҳи-гоҳида мазмун-маъноси ўз жойида қўшиқларга ҳам дуч келиб қолади.

Ҳозирги баъзи «қўшиққа ихтисослашган» шоирлар, имоним қомилки, Навойнинг Н. ҳарфи билан ҳам, Бобурнинг Б. ҳарфи билан ҳам таниш эмаслар. Тўғри, гоҳи-гоҳида мазмун-маъноси ўз жойида қўшиқларга ҳам дуч келиб қолади.

UZBEKISTAN DEVELOPMENT GATEWAY. Барча вазирликлар, корхоналар, бирлашмалар ва халқаро ташкилотлар диққатига! Uzbekistan Development Gateway лойиҳаси тендер эълонларини www.dgmarket.uz он-лайн миллий тендер майдончасида жойлаштиришни тақдир этилади.

Шифокорлар ва фармацевтлар диққатига! "NOBEL PHARMSANOAT" ЧЭК янги дори воситаларини этиборингизга ҳавола этади! ЦЕФАЛОСПОРИН ГРУҲИГА МАНСУБ АНТИБИОТИК. Ностероид яллиғланишга қарши восита.

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ҲАФТАЛИГИ. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирликлари ЮНИСЕФ — халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда олти ойдан буюн Оролбўйи минтақасида «Болалар саломатлиги ҳафталиги»ни ўтказиб келмоқда.

Ташкилот ва корхоналар раҳбарлари диққатига! ТАШКИЛОТ «ГАЗ» ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ДИСТРИБЬЮТЕРИ. РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА! Мулоқот учун телефонлар: Тошкентда: (9987 1) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-62, 126-12-94.

Халқ сўзи Народное слово. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.